

**Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг  
2023 йилдаги фаолияти тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**I. Ташкилий–ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш соҳасида**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида **4 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тегишли тартибда қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг** (30.04.2023) **4 та** моддасида коррупцияга қарши курашиш соҳасига тааллуқли нормалар акс эттирилди. Жумладан,

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги **миллий маърузани эшитиш** (93-модда);

– Сенат томонидан республика коррупцияга қарши курашиш органининг **раҳбарини сайлаш** (93-модда);

– Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан республика коррупцияга қарши курашиш органининг **раҳбарлигига номзод тақдим этиш** (93-модда);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолиятида **коррупция ҳолатларига қарши курашиш** чора-тадбирларни амалга ошириш (93-модда).

**1 та Ўзбекистон Республикаси қонуни**

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги УРҚ–860-сон Қонун (2023 йил 8 август);

*Қонунга мувофиқ, Агентликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишдаги ваколатлари, шунингдек, давлат органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш тартиби ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар белгиланди.*

**1 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони:**

“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармон (2023 йил 27 ноябрь);

*Унда: Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тасдиқланди, Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати кенгайтирилди.*

*Коррупцияга қарши курашиш агентлигига «Қайта алоқанинг сирли миждози» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юклатилди.*

**1 та Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат:**

“Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олинishi мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 54-сонли Буйруғи (3425-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган) (2023 йил 13 март).

*Унда: давлат фуқаролик хизматчиси томонидан совға олинishi билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинди, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари ва халқаро тадбирларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирларда совға олиш тартиби белгиланди.*

## **II. Коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш билан боғлиқ таҳлилий фаолият**

Давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида **коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни** аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадида ўрганишлар олиб борилиб, натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва бошқа ташкилотларга **50 та** таҳлилий маълумот киритилди.

**Қуйидаги соҳаларда** коррупция омиллари таҳлил қилиниб уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди:

– **давлат харидлари соҳасида:** шартномаларни Ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтказмасдан коррупцияга шарт-шароит яратилаётган ҳолатлар, тўғридан-тўғри ёки тендер савдоларини ўтказмасдан давлат харидларини амалга оширишдаги коррупциявий хавф-хатарлари ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича суд амалиётидаги муаммолар таҳлили;

– **Таълим соҳасида:** нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар, мактабгача ва мактаб таълими ҳамда олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили;

– **Энергетика соҳасида:** аҳолини электр энергияси ва газ билан таъминлашдаги мавжуд коррупциявий омиллар ва хавф-хатарлар, шунингдек Автомобилларга газ тўлдириш шаҳобчаларига табиий газ етказиб бериш ва улар фаолиятини назорат қилиш жараёнидаги коррупциявий омиллар таҳлили;

– **Ижтимоий соҳада:** Республикада кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинланиши ва тўланишидаги коррупцион хавф-хатарлар таҳлили;

– **Ер ажратиш соҳасида:** ер тўғрисидаги қонунбузилиши ҳолатлари, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари таҳлили;

– **Давлат органлари очиклик соҳаси:** халқаро молия институтлари томонидан ажратилаётган кредит маблағларидан фойдаланиш жараёнида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек давлат идораларининг очикликка оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этиш ҳолати бўйича таҳлил;

– **Бошқа соҳалар:** Қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, ҳамда Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги мавжуд коррупциявий омиллар таҳлили.

## II. Мурожаатлар билан ишлаш йўналишида

Агентликка **2023 йилда** жами **3 545 та** мурожаат келиб тушган. Кўриб чиқилган мурожаатларнинг **91 таси** ижобий ҳал этилган, шундан **5 тасининг** ижобий ечими юзасидан Агентликка ташаккурнома билдирилган, **1 022 та** мурожаатга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар бериш орқали қаноатлантирилган, **27 та** мурожаат аноним деб топилган, **302 та** такрорий мурожаат кўриб чиқилиши белгиланган тартибда тугатилган, **8 та** мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **2 063 та** мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли вазирлик ва идораларга йўналтирилган бўлиб, ҳозирда **32 та** мурожаат кўриб чиқилмоқда.

Келиб тушган мурожаатларнинг **3 193 таси** жисмоний шахслардан, **352 таси** юридик шахслардан, **944 таси** ёзма, **2 251 таси** электрон, **350 таси** Call марказ орқали оғзаки кўринишда келиб тушган.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли вазирлик ва идораларга, вилоят (туман, шаҳар) ҳокимликларига **51 та сўровнома** юборилган, қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан **34 та тақдимнома** киритилган.

Мурожаатларни ўрганиш натижасига кўра, **8 нафар** шахс **интизомий жавобгарликка** тортилган, шундан **1 нафар** давлат идораси ходими билан **меҳнат шартномаси бекор қилинган**, **19 та** қабул қилинган қарор бекор қилинган, **6 та жиноят иши**, **3 та маъмурий иш** қўзғатилган ва мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Агентликка келиб тушаётган мурожаатларнинг сони кўпайиши кузатилмоқда. Жумладан, 2023 йилда Агентликка келиб тушган **3 545 та** мурожаатларни 2022 йилда келиб тушган **2 234 та** мурожаатларга нисбатан солиштирганда, мурожаатлар салмоғи **58,7 фоизга** ошган.

Агентликка келиб тушаётган мурожаатларнинг аксариятида суд-ҳуқуқ соҳасидаги муаммолар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва турли соҳаларда коррупциявий ҳолатларнинг юз бераётганлиги тўғрисида ёзилган мурожаатлардан иборат.

Жумладан, **2023 йилда** Агентликка қўйидаги соҳа ва йўналишлар бўйича мурожаатлар келиб тушди:

- таълим соҳаси ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари бўйича **511 та** (15,5%),
- суд қарорларидан норозиликлар **406 та** (11,4%);
- давлат харидлари ва тендер савдолари жараёнидаги қонунбузилиш ҳолатлари бўйича **301 та** (8,4%);
- ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норозиликлар **281 та** (7,9%);

- прокуратура органлари қарорларидан норозиликлар ва прокуратура органларига қилинган мурожаатлар ҳал бўлмаётганлиги бўйича **187 та** (5,2%);

- маҳаллий ҳокимлик ходимлари ва мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норозиликлар **165 та** (4,6%);

- мажбурий ижро бюроси ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва ижро ҳужжатларнинг бажарилмаётганлиги бўйича **146 та** (4,1%);

- ер масаласида **135 та** (3,8%);

- компенсация, пенсия, субсидия, ижтимоий ҳимоя ва моддий ёрдам масаласида **126 та** (5,5%);

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатлари ва тиббиёт ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан **90 та** (2,5%);

- фирибгарлик жиноятлари юзасидан **87 та** (2,4%);

- кредит масаласида ва банк ходимлари хатти-ҳаракатидан норозиликлар **82 та** (2,3%);

- газ-электр масаласида **77 та** (2,2%);

- меҳнат муносабатлари ва иш ҳақи ундириш юзасидан **73 та** (2,1%);

- маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан **66 та** (1,9%)

- ноқонуний қурилиш ва қурилиш масаласида **65 та** (1,8%).

### **Келиб тушган мурожаатларнинг ҳудудлар кесимида:**

Тошкент шаҳар бўйича **923 та**;

Қашқадарё вилояти бўйича **399 та**;

Навоий вилояти бўйича **368 та**;

Тошкент вилояти бўйича **325 та**;

Самарқанд вилояти бўйича **306 та**;

Сурхондарё вилояти бўйича **290 та**;

Жиззах вилояти бўйича **154 та**;

Фарғона вилояти бўйича **149 та**;

Хоразм вилояти бўйича **137 та**;

Наманган вилояти бўйича **137 та**;

Бухоро вилояти бўйича **127 та**;

Андижон вилояти бўйича **105 та**;

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича **76 та**;

Сирдарё вилояти бўйича **43 та**;

Чет элдан **6 та** мурожаат келиб тушган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан мурожаатлар билан ишлаш борасидаги амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар аҳоли муаммоларининг ечими топилишига хизмат қилмоқда ҳамда мурожаатларда кўрсатиб ўтилаётган коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил қилган ҳолда уларни бартараф қилиш учун тегишли чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишига замин яратмоқда.

### **III. Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишлар**

Агентлик томонидан давлат харидларидаги қонун бузилиш ҳолатлари, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш йўналишларида мунтазам равишда ўрганиш амалга оширилиб келинмоқда.

Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идораларга **225 та тақдимнома**, жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга **227 та сўровнома** юборилди.

Юборилган сўровномалар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан умумий **23 та жиноят иши** ва **96 та маъмурий ишлар** қўзғатилди, **74 нафар** шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

**Давлат харидлари** соҳада ўтказилган ўрганишлар натижасида юзасидан: Вазирлик идораларга **178 та** (136 млрд сўмлик) тақдимнома;

Давлат молиявий назорат инспекциясига **57 та** (40 млрд сўмлик) сўровнома;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга **127 та** (232,5 млрд сўмлик) сўровнома юборилди.

Ўз навбатида вазирлик ва идораларга киритилган тақдимномалар натижасида, буюртмачилар томонидан **138 та** ҳолатда жами **110 млрд** сўмлик давлат харидларида йўл қўйилган қонунбузилишлари бартараф этилиб, давлат харидлари бекор қилинган.

Юборилган сўровномалар асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни тегишли моддалари билан **30,2 млрд.** сўмлик давлат харидлари юзасидан **42 та** маъмурий ишлар ҳамда Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан **6 та** жиноят иши қўзғатилган ҳамда **1 та** интизомий жазо чора қўлланилган.

Давлат харидлари бўйича қонунбузилиши ҳолатлари асосан давлат буюртмачилари томонидан **манфаатлар тўқнашувига** йўл қўйиш, **аффилиланганлик** ҳолати, **рақобатни чекловчи шартларни** киритиш ҳамда харид комиссияси аъзолари томонидан **овозларни сохталаштириш** (битта IP-адресда овоз бериш) билан боғлиқ ҳолда содир этилганлиги аниқланди.

ОАВлари ва ижтимоий тармоқларда чиқаётган коррупция билан боғлиқ барча маълумот ва хабарлар доимий ўрганилиб, натижаси Агентлик расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.

*Мисол учун, ОАВларда муҳокамаларга сабаб бўлган, Қарши шаҳри ҳокимининг ўзини рағбатлантириши учун маблағ ажратилиши ҳақидаги ноқонуний чиқарилган қарори Агентлик томонидан ўрганилиб, киритилган тақдимномага асосан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан бекор қилинган.*

*Ёки Қумқўрғон тумани ҳокимлигига тадбиркор томонидан совга қилган автомобилни ҳокимлик балансига олиши тўғрисидаги фармойишнинг қонунийлиги ўрганилганда совга қилинган автомобил нархи ҳуқуқат қарорида белгиланган меъёрлардан юқори бўлганлиги сабабли автомобил тадбиркорга қайтарилиши таъминланган.*

Бундан ташқари, “**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**”ги Қонуни ва “**Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг** намунавий қоидалари”да давлат хизматчиларига **тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган.**

Агентлик томонидан очик маълумотлар асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари ва ўринбосарлари даражасида ўрганилганда, **15 нафар** мансабдор шахсларнинг **20 та** тадбиркорлик субъектида таъсисчи ёки раҳбарлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан вазирлик ва идораларга **тақдимномалар** киритилди ҳамда давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига чек қўйиш бўйича чоралар кўрилди.

#### **IV. Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимининг жорий қилиш йўналишида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон Фармонида асосан, амалга оширилган маъмурий ислохотлардан сўнг **90 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Агентлик томонидан **27 та вазирлик** ва **идораларда** ҳамда **маҳаллий ҳокимликларда** ички назорат тизими фаолиятининг йўлга қўйилганлик ҳолати жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, вазирлик ва идораларга ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали ташкил этишга қаратилган **9 та тақдимнома** киритилди, **1 та** огоҳлантириш юборилди.

**30 та** давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари **очик танлов** асосида ишга қабул қилиниши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарорига мувофиқ, Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** амалга оширилди. Унда **62 та давлат ташкилотининг** фаолияти баҳоланди.

*Маълумот учун: Баҳолаш натижаларига кўра, **62 та** давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 балгача рейтингда баҳоланиб, **12 та** ташкилот фаолият самарадорлиги “яхши” – (81-100 балл), **30 та** ташкилот “қониқарли” – (55-80 балл) ва **20 та** ташкилот “қониқарсиз” – (55 баллдан паст) тоифаларга ажратилди. Масалан, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги (11 балл), Сув хўжалиги вазирлиги (13 балл) ва Андижон вилоят ҳокимлиги (18 балл) томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича умуман ишлар амалга оширилмаганлиги сабабли баҳолаш бўйича **энг паст** натижани қайд этди.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарорига мувофиқ, давлат ташкилотлари фаолиятида **коррупциявий хавф-хатарлар** аниқланиб, баҳолашдан ўтказилди.

2023 йилда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашдан ўтказиш учун **62 та** давлат ташкилотларининг рўйхати шакллантирилиб, шундан **39 та** вазирлик ва идоралар учун коррупциявий хавф-хатарлар хариталари шакллантирилди.

Баҳолаш натижаларига кўра, **39 та** вазирлик ва идораларнинг умумий **1701 та** функциялари коррупциявий хавф-хатарлар баҳолашдан ўтказилиб, коррупциявий хавф-хатарлар даражаси **177 та** функцияларда “юқори”, **475 та** функцияларда “ўрта”, **1049 та** функцияларда “паст” баҳоланди.

## **Ички назорат тузилмалари ходимлари малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари:**

- 2023 йил **18 апрель кuni** давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимлари учун “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлиги: 2022 йил натижалари таҳлили ва 2023 йилга мўлжалланган истиқболдаги режалар” мавзусида онлайн шаклда ўқув-семинар ташкил этилди.

- 2023 йил **3-4-август** кунлари коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун халқаро экспертлар иштирокида “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияни олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини самарали жорий этиш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

- 2023 йил **24 август** “Ўзбекнефтгаз” АЖда Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда “Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти” мавзусида семинар-теринг ўтказилди, унда 33 давлат идорасидан 100 дан ортиқ ходимлар иштирок этди;

- Европа Иттифоқи ва Европа Кенгашининг “Марказий Осиё – ҳуқуқ устуворлиги: очиқлик ва иқтисодий жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик” (СА ТАЭС) дастури билан ҳамкорликда Европанинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда, жорий йилнинг **3-4-октябрь кунлари** коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун “**Коррупциянинг олдини олиш ва ҳалолликни тарғиб қилиш**” мавзусида семинар-тренинг машғулоти ташкил этилди.

Вазирлик ва идораларда Агентлик ходимлари иштирокида коррупцияга қарши курашишни тарғиб этишга қаратилган **54 та** семинар, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилди.

Бугунги кунда **41 та** давлат ташкилоти “**Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими**” бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатига эга бўлди.

## **VI. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш йўналишида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 27-ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати кенгайтирилиб, “**Ҳаж**” **тадбирига** бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати, болаларни **давлат мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш** учун берилган аризалар навбати (рўйхати), **бўш иш ўринлари**, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар; **нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилган грант** ва ижтимоий буюртма лойиҳалари, шу жумладан, ғолиб бўлган нодавлат

нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлар эълон қилиш мажбурияти белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон Фармониға мувофиқ, 2022 йилда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашдаги самарадорлик ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, мақсадли индикаторлар асосида баҳоланган **“Очиқлик индекси”** шакллантирилди.

Очиқлик индексини баҳолашда умумий **86 та** вазирлик, идора ва муассасаларнинг очиқлик фаолияти 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, унга кўра **15 та** давлат органининг очиқликни таъминлаш фаолияти **“яшил”** – (71-100 балл), **44 та** ташкилот **“сарик”** – (55-71 балл) ва **27 та** ташкилот **“қизил”** – (55 баллдан паст) тоифаларға ажратилди.

Очиқлик индексида **“қизил”** (15 та) ва **“сарик”** (44 та) тоифада баҳоланган тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича **чора-тадбир режалари** ишлаб чиқилди.

“Очиқлик индекси”ни баҳолаш тизими тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда **“Open.index”** (<https://index.anticorruption.uz/>) платформаси орқали амалға оширилиб, кенг жамоатчиликка соҳадаги амалға оширилган ишларнинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини реал вақт режимида кузатиш имконияти яратилди.

Ижтимоий аҳамиятға молик маълумотларнинг белгиланган ахборот ресурсларида ўз вақтида ва тўлиқ эълон қилиниши устидан доимий **мониторинг қилиб** борилди.

**93 та** вазирлик ва идоралар расмий веб-сайтлари мониторингдан ўтказилиб, вазирлик ва идораларға очиқликни таъминлаш соҳасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида **44 та** тақдимномалар юборилиши таъминланди.

Натижада: вазирлик ва идораларнинг **16 нафар** масъул ходимлари интизомий жавобгарликка тортилиб, **7 нафари** огоҳлантирилди, **5 нафарига** “хайфсан” интизомий жазоси қўлланилди ҳамда **4 нафари** билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Олий Мажлис Сенати томонидан берилган топшириқлар асосида **27 та** вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида очиқликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилиб, маълумот тақдим этилди.

2023 йил давомида вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, коррупцияға қарши курашиш ҳудудий кенгашлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ўқитишға қаратилган **10 та** семинар-тренинглар ташкил этилиб, уларда **200 дан ортиқ** соҳаға масъул ходимларнинг малакаси оширилди.

Шунингдек, давлат идораларининг масъул ходимларини ўқитишни тизимли равишда ташкил этиш мақсадида **“E-learning”** таълим платформаси (<https://data.anticorruption.uz/>) ишлаб чиқилди.

## **VII. Халқаро ҳамкорлик йўналишида**

2023 йилда Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар коррупцияга қарши курашиш идоралари билан ҳамкорликка оид **4 та** ҳамкорлик тўғрисида Меморандумлар ва **2 та** чора-тадбирлар режаси имзоланди.

Хусусан, , Қатар давлати маъмурий назорат ва шаффофлик бошқармаси, Қонун устуворлиги ва коррупцияга қарши курашиш маркази, Кореянинг Коррупцияга қарши кураш ва фуқаролик ҳуқуқлари комиссияси, Миср Араб Республикаси Маъмурий назорат идораси билан Агентлик ўртасида ўзаро ҳамкорлик **Меморандумлари** имзоланди.

Франция Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Тожикистон Республикаси Давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида Меморандумни амалга ошириш бўйича **Чора-тадбирлар режаси** имзоланди.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида **65 та** учрашув, **9 та** семинар-тренинг, **4 та** халқаро тадбирлар (форум, конференция, маросим) **1 та** ўқув курслари ташкил этилди. Улар қаторида:

**1. “Давлат идоралари фаолияти очиқлиги бўйича Марказий Осиё давлатлари форуми” (16-17 май Бухоро)**

*Унда: Олий Мажлис палаталари, фуқаролик жамияти институтлари, масъул давлат идоралари вакиллари, шунингдек, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон давлатлари ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Электрон ҳукумат академияси (Эстония), “Минтақавий мулоқот” ХНТ, “Очиқ маълумотлар хартияси” каби халқаро ташкилотларнинг 20 га яқин экспертлари иштирок этди.*

*Тадбирда давлат идоралари фаолияти очиқлигининг коррупцияга қарши курашишидаги роли, очиқ маълумотлар экотизимини яратишининг долзарб масалалари, очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик механизмлари муҳокама қилинди.*

**2. Марказий Осиёда БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг амалга оширилишини жадаллаштириш бўйича Минтақавий конференция (2 ноябрь Тошкент)**

*Унда, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Минтақавий платформа ишга туширилди.*

**3. «III Тошкент халқаро аксилкоррупция форуми» (2 ноябрь Тошкент)**

*Унда, Korrupsiyaga qarshi kurashish milliy kengashi, BMT Giyohvand moddalar va jinoyatchilikka qarshi kurashish boshqarmasi, BMT Taraqqiyot dasturi, Amerika Qo'shma Shtatlarining Davlat departamenti Giyohvand moddalarni nazorat qilish va huquqni muhofaza qilish byurosi, Xalqaro hamkorlik bo'yicha Germaniya jamiyati, "Mintaqaviy Muloqot" xalqaro nodavlat tashkiloti hamkorligida tashkil etildi.*

*Unda Janubiy Koreya, Qatar, Malayziya, Estoniya, Finlyandiya, Latviya, Gonkong hamda Markaziy Osiyo mamlakatlarining korrupsiyaga qarshi kurashishga mas'ul idoralari rahbarlari hamda xalqaro tashkilotlarning yetakchi ekspertlari, diplomatik korpus va xalqaro tashkilotlar, vazirlik hamda idoralar, fuqarolik jamiyati institutlari, OAV vakillari ishtirok etdi.*

**4. Қатар амири томонидан таъсис этилган “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш” маросими (19 декабрь Тошкент)**

*Унда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, шунингдек, бир қатор хорижий давлатлардан олий мартабали меҳмонлар иштирок этди.*

*Шунингдек, 2016-йилдан буён 5 та номинация бўйича голиб деб топилган 51 нафар мукофот соҳиблари илк бор Ўзбекистонда жам бўлди.*

**5.** Халқаро коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак мукофоти соҳиблари иштирокидаги **“Халоллик чемпионлари форуми”** (20 декабрь Тошкент)

Унда Коррупцияга нисбатан халқаро нигоҳ, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ташаббуслари, Ёшлар, академик доиралар ва таълим, Коррупция ортидаги ҳақиқатни аниқлаш, Таълим ва инновациялар ҳамоҳанглиги мавзусидаги панелларда тақдирот, маърузалар ва муҳокамалар бўлиб ўтди.

**6.** “Давлат органларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашишда ОАВ ва ННТларнинг роли” мавзусида тренинг (12 сентябрь Тошкент)

Тренингда АҚШнинг “Бостон Глобе” газетаси муҳаррири Рашел Коен иштирокида коррупцияга қарши курашиш жараёнларида журналистик суриштирувнинг ўрни, ОАВ ва интернет орқали коррупциянинг олдини олиш ва ҳалолликни шакллантиришда ўзига хос механизмлар юзасидан маълумот берилди.

**7.** Агентлик ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасида “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга кўмаклашиш” лойиҳасининг II фазаси ишга туширилди.

**8.** Агентлик вакилларининг бир қатор хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари амалга оширилди.

Ушбу хизмат сафарларида **натижасида:**

хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор тажрибаси ўрганилиб, Ўзбекистон амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро ҳамжамиятга етказилди;

коррупцияга қарши курашиш борасидаги халқаро рейтинг ва индексларда мамлакат ўрнини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашувчи идоралари билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

## **Халқаро рейтинг ва индекслардаги натижалар**

**1. “Transparency International” коррупцияни қабул қилиш индекси (+14 *поғона*)**

Барқарор ўсишига эришилган (2018 йилда 158 ўрндан 2022 йилда 126 ўрингача).

**2. “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индекси (+4 *поғона*).**

Коррупциянинг мавжуд эмаслиги йўналишида 0,47 балл билан 66 ўринни эгаллаган.

**3. “Trace Matrix” порахўрлик матрицаси (+16 *поғона*).**

2021 йилда 59 балл билан (1 баллдан 100 баллгача баҳоланади, 1 балл – энг ижобий) 147-ўрндан 2022 йилда 58 балл билан 131-ўрингача кўтарилган.

**4. “Open Data Inventory” (ODIN) Очик маълумотлар рейтингида 70 балл йиғиб, жаҳон бўйича 30-ўринни (2022 йилда 40-ўринда), Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.**

5. Глобал маълумотлар барометрининг 2022-йил учун ҳисоботида ([The Global Data Barometer](#)) рейтингда Ўзбекистон **32 балл** тўплаб, дунёда **58-ўринни** эгаллади.

6. “Open Data Inception” маълумотиغا кўра, 2022-йил Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида очиқ маълумотлар манбалари сони бўйича дунёда **4-ўринни** эгаллади.

### **VIII. ННТ ва Жамоатчилик билан ишлаш йўналишида**

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари, айниқса Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш бўйича ташкилий-амалий жиҳатдан кўмак берилди ва коррупцияга қарши курашишда уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган **10 га яқин** семинар-тренинг тадбирларида **1000 дан ортиқ** нодавлат сектор, ОАВлар вакиллари, журналист, блогерлар ва шахсларнинг соҳага оид билим ва кўникмалари оширилди. Жумладан,

2023 йилнинг 11-12-июль кунлари Агентлик, “Минтақавий мулоқот” (Словения) халқаро нодавлат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали, “Пионер” коррупцияни ўрганиш бўйича тадқиқот институти (АҚШ) ҳамкорлигида коррупцияга қарши курашиш йўналишида журналистлар кўникма ва малакасини ошириш мақсадида **“Коррупция ва коррупция билан боғлиқ жиноятларни ёритишда журналистик суриштирувларнинг роли”** мавзусида икки кунлик семинар-тренинг ташкил этилди.

11-12 сентябрь кунлари журналист ва блогерлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик фаоллари, давлат идора ва ташкилотлари матбуот котиблари учун АҚШнинг “Бостон Глобе” газетаси муҳаррири Рашел Коэн иштирокида тренинглар ташкил этилди.

Ёшларда коррупцияга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш ва уларнинг коррупция тўғрисидаги билимларини ошириш мақсадида **10 дан ортиқ** тадбирлар ташкил этилди.

Мисол учун, талаба ёшларга коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатишга қаратилган **YouthLed** loyiha доирасида барча олий таълим муассасаларининг **1-3 курс талабалари** ва соҳага қизиққан ўқитувчи-профессорлари учун **5 та** онлайн семинар тренинг ташкил этилди.

Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда **2 та** чора-тадбирлар режаси (*Ёшларни одам савдоси, коррупция, турли зарарли ёт зоялар ва оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш бўйича ва Ёшларда коррупцияга қарши мурасасизлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини тизимли ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режалари*) ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Мазкур режалар ижроси доирасида **9,4 мингдан** ортиқ маҳаллаларда **280,2 мингдан** ортиқ ёшларнинг иштирокида **6 371 марта** тренинг машғулоти ўтказилди.

Агентлик, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда тайёрланган **“Аксилкоррупция алифбоси”** номли комиксли

флаерлар ишлаб чиқилиб, соҳага доир **32 та** туркум видеороликлар туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларидаги мониторларига жойлаштирилди.

Бундан ташқари, “Коррупция йўқ дейлик” ва “Ёшлар коррупцияга қарши” шиорлари остида **акция ва флешмоблар**, “Коррупция ва коррупциявий ҳолатлар ҳақида ёшларимиз қандай фикрда?” номли **сўровномалар**, иншолар танлови, аҳоли ва ёшлар иштирокида “**Аксилкоррупциявий мулоқот**”лар, спортнинг “Street Workout”, “Футбол”, “Енгил атлетика” турлари бўйича мусобақалар ташкил қилинди.

Агентлик ҳузурида **Экспертлар гуруҳи** фаолияти йўлга қўйилиб, унинг 2023-2024 – йилларга мўлжалланган иш режаси қабул қилинди. Мазкур Режа доирасида Агентлик томонидан ишлаб чиқилган ёки у томонидан хулоса берилиши керак бўлган **10 га яқин** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларида юзасидан экспертлик фикр-мулоҳаза ва таклифлар олинди.

Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашнинг **3 та** йиғилиши ташкил этилиб, кенгаш аъзолари таркиби кенгайтирилди

Жамоатчилик кенгаши томонидан қуйидаги соҳалар бўйича ҳисоботлар эшитилди:

- “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг ижро этилиши: мавжуд муаммо ва режалар” тўғрисида;

- Давлат органлари ва ташкилотларида очиклик бўйича амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индекси натижалари бўйича.

Шунингдек, Жамоатчилик кенгашининг шифокорларни рағбатлантириш масаласига муносабати тайёрланди ва Халқаро донорлар учун Жамоатчилик кенгашининг 2021-2022-йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотнома тақдим этилди.

### **Миллий ва ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорликш йўналишида:**

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши фаолияти мувофиқлаштириб борилди ва Миллий кенгашнинг **3 та** йиғилиши ташкил этилди.

Миллий кенгаш йиғилишларида давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари кўриб чиқилиб, рейтинг баҳолаш натижаларига кўра “**қоникарсиз**” баҳоланган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитилди.

Бундан ташқари, Йиғилиш баёни билан Миллий кенгашнинг **Иш режалари**, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги ролини оширишга қаратилган **Чора-тадбир режалари**, Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш бўйича “**Йўл харитаси**”, Сув хўжалиги ҳамда Ёқилғи энергетика соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича **Чора-тадбир дастурлари** тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш методикасига асосан **14 та** ҳудуднинг 2022 йилдаги фаолияти баҳоланди ва рейтинг баҳолаш натижалари Миллий кенгашга тақдим этилди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари аъзоларининг соҳадаги малакасини ошириш мақсадида **11 март**та масофавий семинарлар ташкил этилди.

Агентлик томонидан **Бухоро, Тошкент, Навоий, Сурхондарё, Хоразм** вилоятлари ва **Тошкент** шаҳар ҳудудий кенгашларининг йиғилишлари ташкил этилиб, унда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

## **IX. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг билимини ошириш, шунингдек ҳуқуқий тарғибот йўналишида**

2023 йил давомида **29 923 нафар** давлат хизматчилари **«ҳалоллик вакцинаси» тамойили** асосида мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқитилиши таъминланди.

“9 декабр – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган **Аксилкоррупция ҳафталиги** доирасида **22 та** давлат органлари ва ташкилотлари **“Очиқ эшиклар куни”** тадбирлари ташкил этилди.

**“Коррупция ҳеч кимни четлаб ўтмайди”, “Ўзбекистонда коррупцияни енгиш мумкинми?”, “Коррупцияга имкон берманг”** каби мавзуларда **9 та** видеоролик тайёрланди.

Вазирлик ва идораларда ташкил этилган **90 та семинар, давра суҳбати ва учрашувларда** Агентлик ходимлари коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги маърузалар билан иштирок этди.

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан аҳолини хабардор қилиб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий ОАВ, ижтимоий тармоқларда **1 200 дан ортиқ чиқишлар** қилинди.

Жумладан, Агентликнинг расмий веб-сайти - anticorruption.uzда **273 та**, телеграм тармоғидаги расмий саҳифасига **360 та** материаллар жойлаштирилди, телерадиоканалларда **115 та** репортаж, интервью ва суҳбатлар эфирга узатилди.

Коррупцияга қарши курашиш мавзуларида Маҳаллий ва хорижий нашрларда **17 та** мақола эълон қилинди.

Коррупция ҳолатлари билан боғлиқ ижтимоий тармоқларда эълон қилинган танқидий материаллар юзасидан ўрганишлар ўтказилиб, **14 март**та **Агентликнинг расмий муносабати** билдирилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда давлат хизматчилари ва аҳолига коррупция ва унинг оқибатлари тўғрисида **10 дан ортиқ** ижтимоий роликлар тайёрланиб, ОАВлари ва давлат органларининг расмий саҳифаларида ёритилди.